

_____ сонли ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш Шартномаси

Тошкент ш.

“___” _____ 2024 йил

«**BARAKA DROP**» МЧЖ, кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи директор Ортиков Зариф Одилевич, бир томондан ва «___» _____ 2024 йилдаги _____ сонли гувоҳномага асосан ҳаракат қилувчи ўзини ўзи банд қилган шахс _____ **Ф.И.О.** (паспорт/ID-карта серияси ва рақами: _____ томонидан 20____. йилда берилган ЖШШИР: _____, кейинги ўринларда “**Хизмат кўрсатувчи**” деб аталади, бошқа томондан, биргалиқда “Томонлар”, алоҳида эса – “Томон” деб аталадиган ушбу ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисида ___ - сонли шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ТЕРМИНОЛОГИЯ

Товар — сотиладиган ва/ёки тайёрланган, Фойдаланувчи томонидан Сервис орқали буюртма қилинган Ҳамкорнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар (алкогол, тамаки ва масофавий сотишга тақиқланган бошқа товарлар бундан мустасно), шунингдек, Ҳамкор томонидан сотиладиган ноозиқ-овқат маҳсулотлари.

Мобил илова — Томонлар Буюртма ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, логин ва парол ёрдамида авторизация қилганидан сўнг Хизмат кўрсатувчига тақдим этилувчи статистик маълумотларни алмашиш имконини берадиган Android/IOS операцион тизимида ишловчи мобил қурилмалар учун амалий дастур.

Сервис — Сервис Фойдаланувчисига Товари Буюртма қилиш ва Етказиб бериш имконини берувчи амалий дастурларни (шу жумладан мобил қурилмалар учун дастурлар). **Буюртма** – Сервис орқали Фойдаланувчи томонидан Товар ва уни Етказиб бериш учун қилинган буюртма.

Етказиб бериш – Сервисдан фойдаланган ҳолда Хизмат кўрсатувчи томонидан амалга ошириладиган Буюртмани Ҳамкордан Фойдаланувчига етказиб бериш,

Ҳамкор – Сервис Фойдаланувчилари томонидан Буюртма берилганда Товарларни тайёрлаш ва/ёки сотишни амалга оширувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор.

Фойдаланувчи — Товари Етказиб беришни ва Буюртма қилиш мақсадида Сервисдан фойдаланувчи шахс.

2. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

2.1. Хизмат кўрсатувчи Буюртмачининг топшириғига биноан Товарларни Етказиб бериш бўйича хизматларни, юк ташиш бундан мустасно, (кейинги ўринларда Хизматлар) кўрсатиш мажбуриятини олади ва Буюртмачи, ўз навбатида, ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Хизмат кўрсатувчининг Хизматлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Ушбу Шартнома бўйича Хизматлар кўрсатиш муддати имзоланган пайдан бошлаб 12 (ўн икки) ойни ташкил этади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.1.1. Мобил иловадаги тариф маълумотлари асосида Хизмат кўрсатувчининг Хизматлари учун тўловни ушбу Шартноманинг тартиби, муддатлари ва шартларига мувофиқ ўз вақтида тўлаш;

3.1.2. Хизмат кўрсатувчига Хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган барча маълумотлар ва дастлабки ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

3.1.3. **Хизмат кўрсатувчини вақтинча фойдаланиш учун термосумка ва Хизматларни кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа воситалар билан таъминлаш;**

3.1.4. Хизмат кўрсатувчи учун Ушбу Шартнома бўйича фаолиятининг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш.

3.2. Буюрмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Хизмат кўрсатувчидан ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича тўлиқ ҳисобот олиш.

3.2.2. Буюртмачи томонидан унга қулай бўлган, исталган вақтда Хизмат кўрсатувчининг ушбу Шартномага мувофиқ Хизматлар кўрсатиш жараёнини текшириш;

3.2.3. Хизматларни кўрсатиш жараёнида Хизмат кўрсатувчи томонидан Буюртмачига етказилган зарар суммасини Хизмат кўрсатувчининг ҳақидан ушлаб қолиш;

3.2.4. Хизматлар учун тўлов тарифларини, шартларини ва муддатларини бир томонлама ўзгартириш

3.2.5. Қуйидаги ҳолларда ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилиш;

- агар Хизмат кўрсатувчи ҳақида, хусусан, Фойдаланувчиларнинг изоҳларида; Сервиснинг қайта алоқа манбааларида; Фойдаланувчиларнинг Сервис тизим хабарномаларига жавобларида; Фойдаланувчиларнинг хат ёки телефон кўнғироқлари орқали қўллаб-қувватлаш хизматиغا Мурожаатларда; Сервис орқали Фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган Буюртмалар бўйича ёзишмалар ва талабномаларда салбий изоҳ/салбий изоҳлар акс этгани сабабли Буюртмачи томонидан ўтказилган текширув натижаларига кўра, Буюртмачи тегишли чоралар кўриш учун етарли асослар мавжуд деган хулосага келса (шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, Хизмат кўрсатувчи томонидан Буюртмачи олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мунтазам равишда келиб тушса.
- Хизмат кўрсатувчи томонидан Шартномага мувофиқ ўз зиммасига олган бошқа мажбуриятлари бир неча бор бузилган тақдирда,

3.3. Хизмат кўрсатувчи қуйидагиларга мажбур:

3.3.1. Ушбу Шартноманинг 2.1. бандида белгиланган хизматларни Буюртмачининг максимал фойдасини кўзлаб тўлиқ ҳажмда тақдим этиш;

3.3.2. Ушбу Шартнома бўйича Хизмат кўрсатувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларга таъалуқли бўлган Буюртмачининг кўрсатмаларини бажариш, агар ушбу кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлмаса;

3.3.3. WOLT брендида оид бош ва устки кийимларни кийиш ва буюртмани термик изоляцияланган сумкада етказиш, барча етказиш хизматлари учун мажбурийдир;

3.3.4. Буюртмачининг манфаатларини таъминлашда эътибор билан ёндашиш, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда оқилона ҳушёрлик билан муносабатда бўлиш ва товарлар етказиб бериш имконсиз бўлган тақдирда, Хизмат кўрсатувчи Буюртмачини телефон орқали хабардор қилиш ва мобил илова орқали етказиб бера олмаслик сабабини кўрсатган ҳолда, қайтаришни расмийлаштириш мажбуриятини олади;

3.3.5. Агар фойдаланувчи, олдиндан тўланган буюртмани шахсий кўздан кечириб қабул қилиб олиш имконияти билан буюртма берган бўлса, бироқ буюртмани олиш учун белгиланган жойда мавжуд бўлмаса, Хизмат кўрсатувчи қуйидагиларни амалга ошириши лозим, 1) илова орқали Wolt қўллаб қувватлаш хизмати билан боғланиш; 2) Wolt билан боғлангандан сўнг қўшимча 20 дақиқа кутиш ёки Wolt билан ёзма равишда келишилган вақтни кутиш 3) Одатда, етказиб берилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ёки бошқа товарларни Woltнинг тижорат ҳамкори бўлган жойга одатда кун охиригача (Wolt томонидан бошқача кўрсатма берилмаган бўлса) қайтариш;

3.3.6. Хизмат кўрсатувчи, ёш чегараси қўйилган товарларни етказиб беришда товарларни топширишдан олдин фойдаланувчининг ёшини шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки бошқа ҳужжатлар орқали текшириб олиши лозим. (Алоқасиз етказиб беришга йўл қўйилмайди). Агар фойдаланувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этишни рад этса ёки аниқ бўлса, фойдаланувчи вояга етмаган ёки спиртли ичимликлар таъсирида бўлса, товар сақланиши керак ва Wolt билан илова орқали боғланиш керак.

3.3.5. Буюртмачини барча муҳим ҳолатлар, хусусан, шахсий хусусиятга эга бўлган ҳолатлар, шу жумладан ҳаёт ёки соғлиқ учун таҳдид, ҳуқуқларнинг мумкин бўлган чекланиши, жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши ёки фуқаролик даъвосини тақдим этиш билан боғлиқ ёки Хизмат кўрсатувчи томонидан Хизматлар кўрсатишга, ҳамда Буюртмачининг фаолиятига ва обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш;

3.3.6. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўзини ўзи банд қилган шахс мақомига эга бўлиш;

3.3.7. Хизматларни кўрсатиш бўйича Буюртмачининг стандартларига риоя қилиш;

3.3.8. Буюртмачига хизмат кўрсатишнинг ҳар бир лаҳзасида, мобил илова ёрдамида узатиладиган маълумотларнинг долзарблиги, ишончлилиги, тўлиқлиги ва амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш;

3.3.9. Буюртманинг бажарилиши билан боғлиқ маълумотларни (алоқа маълумотлари, фойдаланувчи манзили ва бошқа шахсий маълумотларни) Буюртмачинининг грезилегисиз учинчи шахсларга тарқатмаслик;

3.3.10. Шартнома бекор қилинганда (шу жумладан томонларда бирининг ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш) шунингдек Буюртмачининг биринчи талабига биноан Буюртмачи томонидан тақдим этилган термосумкани дарҳол қайтариб бериш;

3.3.11. Товарни бузилмаган ҳаётда топшириш, агар товарларнинг шикастланганлиги ёки номувофиқлиги аниқланса, Буюртмачини дарҳол хабардор қилиш;

3.3.12. Мобил илова орқали буюртмани қабул қилгандан сўнг, товарларни фойдаланувчига етказиб бериш.

3.3.13. Хизмат кўрсатувчи етказиб бериш хизматларини профессионал, самарали тарзда ва ҳар қандай амалдаги қонунларга, норматив ҳужжатларга (масалан йўл ҳаракати қоидаларига), ушбу шартномага ва/ёки махсус йўриқномаларга (масалан озиқ овқат ҳавфсизлиги бўйича йўриқномага) мувофиқ амалга оширишга жавобгардир;

3.3.14. Хизмат кўрсатувчи мобил иловадан ушбу шартнома бўйича вазифаларни бажариш учун мақсадли тўғри фойдаланиши лозим. Хизмат кўрсатувчи фойдаланувчи маълумотларини сир сақлаши ва уларни учинчи шахсларга бермасликка мажбур. Иловадан бошқа шахснинг фойдаланмаслиги, илованинг технологияси нусхасини кўчириб олмаслиги, ўзгартирмаслиги, дастурий кодларини ажратиб олмаслиги, илова эгасига тегишли маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятини олади;

3.3.15. Хизмат кўрсатувчи хизматларни транспорт воситалари орқали амалга оширган тақдирда, транспорт воситаларини бошқариш учун зарур бўладиган (масалан ҳайдовчилик гувоҳномаси) рухсатномалар, лицензиялар, тегишли давлат органларидан олинган рухсатномалар (масалан тиббий хулосалар) ва бошқа турдаги ҳужжатлар суғурталар мавжудлиги учун жавобгардир, шунингдек шахсий транспорт воситалари суғуртаси ва етказиб бериш хизматларини амалга ошириш жараёнида бахтсиз ҳодисалардан ўз ҳисобидан суғурталаниш учун жавобгардир.

3.3.16. Мобил иловада ўзининг статусни ўз вақтида янгилаш.

3.3.17. Хизмат кўрсатувчи нақд пул билан тўланадиган буюртмалари бўйича ҳам етказиб бериш хизматларини кўрсатиши мумкин. Нақд пул билан тўланадиган буюртмалар бўйича етказиб бериш хизматларини кўрсатишда Хизмат кўрсатувчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) Хизмат кўрсатувчи тахминан 160 000 сўм миқдоридagi ўзгартириш пулини (1 000 сўм, 5 000 сўм ва 20 000 сўм каби майда қийматдаги пул бўлаклари) ўзи билан олиб юриши, фойдаланувчи нақд пулни буюртма суммаси миқдоридан ошган суммада берганида, қайтим бериш мақсадида.

б) Фойдаланувчидан нақд пул буюртмаси учун олинган пуллар ("Wolt нақд пуллари") Wolt номидан сақланади ва Wolt ҳисобига ўтказилади.

с) Хизмат кўрсатувчи Wolt нақд пулларини сақлашда пулнинг сохта эканлигини текшириши ва Wolt нақд пулларининг йўқолиши ёки йўқ қилиниши учун, Хизмат кўрсатувчининг

ҳаракатлари, этиётсизлиги ёки бошқа ташқи сабаблардан қатъий назар, жавобгар бўлади. Хизмат кўрсатувчи Wolt нақд пулларининг етишмаётган қисмини Woltra тўлаш мажбуриятини олади, Wolt эса Хизмат кўрсатувчининг мукофотидан етишмаётган нақд пуллар суммасини ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

д) Хизмат кўрсатувчи, Wolt кўрсатмаларига мувофиқ, Wolt нақд пулларини тегишли иловалар орқали белгиланган тарзда депозит қилиши керак. Бундай депозит уч календар кун ичида (Wolt пулларини олган кундан бошлаб) амалга оширилиши керак ва Wolt томонидан ёзма равишда белгиланган сумма ошган ҳар сафар амалга оширилиши керак. Ушбу бандга риоя қилмаган тақдирда Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга: (и) Wolt нақд пулларининг депозит қилинмаган суммасини етказиб бериш хизмати тўловидан ушлаб қолиш; депозит қилингунча ҳисобни тўхтатиб туриш; Шартномани дарҳол бекор қилиш. Агар Wolt пуллари ўн тўрт календар кун ичида (Wolt пулларини олган кундан бошлаб) депозит қилинмаса депозит қилинмаган Wolt пуллари суммасидан ҳар бир етти кунлик кечикиш учун 25% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

е) Агар фойдаланувчи нақд пул билан тўланадиган буюртмаси учун белгиланган жойда пулларни тўлаш учун пайдо бўлмаса, 1. Хизмат кўрсатувчи дарҳол Woltra хабар бериши керак; 2. Woltra хабар бергандан сўнг қўшимча 20 дақиқа ёки Wolt билан ёзма равишда келишилган вақтни кутиши керак; 3. барча етказилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ёки бошқа товарларни Woltнинг тижорат ҳамкорига қайтариши керак, (Агар Wolt ёзма равишда бошқача кўрсатма бермаган бўлса).

3.4. Хизмат кўрсатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ хизматларни кўрсатиш учун ўз вақтида ҳақ олиш;

3.4.2. Хизматлар кўрсатиш жараёнида олинган тегишли маълумотларни ошкор қилиш ёки учинчи шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда (Буюртмачининг кўрсатмалари ёки розилиги бундан мустасно), маълумотларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш;

3.4.3. Буюртмачига техник ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилиш;

4. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу Шартнома бўйича Хизмат кўрсатувчи томонидан кўрсатилган Хизматлар учун ҳақ тўлаш **икки ҳафтада бир марта нақд пулсиз шаклда** амалга оширилади.

4.2. Тўлов миқдори Мобил иловасининг тариф режасига ва амалга оширилган буюртмалар сонига мувофиқ ҳисобланади.

4.3. Кўрсатилган Хизматлар учун тўлов қўшимча далолатномалар тузмаган ҳолда уларнинг қабул қилинганлигини тасдиқлайди.

4.4. Хизмат кўрсатувчи кўрсатилган Хизматлар учун Буюртмачидан ҳақ олгандан сўнг, агар Хизмат кўрсатувчидан 5 (беш) кун ичида асослантирилган талабнома келмаса, ҳисоб-китоб даври ёпиқ ҳисобланади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўзларига юкланган мажбуриятлар доирасида жавобгар бўладилар. Ушбу Шартнома билан тартибга солинмаган бошқа барча масалаларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

5.2. Буюртмачи томонидан 1 (бир) ой мобайнида Хизмат кўрсатувчининг кўрсатган Хизматлари учун ҳақ тўланмаган тақдирда, Хизмат кўрсатувчи Буюртмачини камида 30 (ўттиз) календар кун олдин хабардор қилган ҳолда Шартномани суддан ташқари бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

5.3. Хизмат кўрсатувчи кўрсатилган Хизматлар ва уларнинг оқибатлари учун Буюртмачи ва учинчи шахслар олдида тўлиқ молиявий жавобгарликни ўз зиммасига олади. Буюртмачига

моддий ёки обрўсига зиён етказилган тақдирда, Хизмат кўрсатувчи етказилган зарар суммасини тўлиқ қоплаш мажбуриятини олади. Етказилган зарар суммасини Буюртмачи томонидан (унинг ҳоҳишига кўра) Хизмат кўрсатувчининг ҳақидан ушлаб қолиши мумкин.

5.4. Буюртмачи унинг назорати остида бўлмаган форс-мажор ҳолатлари оқибатида етказилган зарар ёки етказиб беришдаги хатолик учун, ҳамда Фойдаланувчи томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилгани туфайли етказиб беришдаги хатоликлар учун жавобгар эмас.

5.5. Агар Хизмат кўрсатувчининг айби билан ўз вақтида етказиб берилмаса, ушбу буюртма учун Хизмат кўрсатувчига Хизматлар учун ҳақ тўланмайди.

5.6. Агар Хизмат кўрсатувчининг айби билан товарлар йўқолса ва ёки етказиб берилмаса Хизмат кўрсатувчи Фойдаланувчига етказилган зарарни қоплаш учун Мобил иловадаги Товар қиймати миқдорида моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.7. Шартномани бажариш, бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ барча низолар, келишмовчиликлар ва даъволарни Томонлар мажбурий талабнома тартибига риоя қилган ҳолда музокаралар йўли билан ҳал қилишга интилади. Даъволари ва/ёки эътирозлари бўлган томон бошқа томонга юзага келган даъволар ва/ёки эътирозларни кўрсатган ҳолда талабнома юборди. Ушбу шартнома бўйича талабномаларга жавоб бериш муддати - 15 (ўн беш) календар кун.

5.8. Агар низолар ва келишмовчиликларни талабнома юбориш тартибига риоя қилган ҳолда музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, улар Буюртмачи жойлашган жойи бўйича тегишли судда ҳал қилинади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Томонлар Шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун ёки жавобгарликдан оқилона озод қилинади, агар бу бажармаслик Томонлар олдиндан кўра олмайдиган чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда вазиятлар оқибатида ушбу шартнома тузилгандан кейин юзага келган форс мажор ҳолатларининг натижаси бўлганини исботласа ва томонлар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун барча мумкин бўлган ва ўзларига боғлиқ бўлган чораларни кўрган бўлса. Форс-мажор ҳолатларига хусусан: ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, давлат органларининг қарорлари, эпидемиялар ва пандемиялар, карантин чекловлари киради.

6.2. Томонлар форс-мажор ҳолатлари тўғрисида улар юзага келган пайтдан бошлаб 5 (беш) календар куни ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт. Ўзи учун форс-мажор ҳолатлар юзага келганлигини маълум қилган Томон ариза билан бирга аризада кўрсатилган ҳолатлар юзага келганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этишга мажбурдир.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган даврга мутаносиб муддатга ўтказилади, ва/ёки Шартнома Томонлар келишуви билан муддатидан олдин бекор қилинади.

7. МАХФИЙЛИК

7.1. Томонлар ва уларнинг вакиллари томонидан Буюртмачига Хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай маълумотлар махфий ҳисобланади (кейинги ўринларда- “Махфий маълумотлар”) ва тегишли томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги керак. Ушбу чеклов қуйидаги маълумотларга таалуқли эмас:

7.1.1. амалдаги қонунчилик қоидаларига ва Буюртмачи кўрсатмаларининг мазмунига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган маълумотлар;

7.1.2. тақдим этиш пайтида ҳаммага маълум бўлган, шу жумладан эълон қилинган ёки чекланмаган шахслар доирасига ушбу Шартномани бузмасдан ва Томонларнинг ва/ёки уларнинг ходимларининг бунда айби бўлмаган ҳолда маълум қилинган маълумотлар;

7.1.3. бошқа Томонга маълум бўлган ёки ушбу Шартнома шартларини бузмаган ҳолда Шартнома тузилишидан олдин маълум бўлган. Агар Томонлардан бири тақдим этган

маълумотлар иккинчи томонга аллақачон маълум бўлган бўлса, иккинчи Томон бу ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши керак.

7.2. Ҳар бир томон Махфий маълумотлардан фақат биргаликдаги иш учун фойдаланишга ва ундан фақат ушбу ишда бевосита иштирок этган шахсларнинг фойдаланишига рухсат беришмажбуриятини олади. Томонлар юқоридаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, шунингдек уни йўқотишдан ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар. Қонунчиликда аниқ белгиланган ҳолларда Махфий маълумотлар сирасига кирувчи материаллар давлат, бошқарув, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилиши мумкин. Агар томонлардан бири ваколатли органларнинг тегишли талаби (қарори) мавжудлигидан хабардор бўлса, у дарҳол бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.3. Агар Томонлар ўртасида бошқача келишув мавжуд бўлмаса, махфий маълумотлар маълумотни тақдим этувчи Томоннинг интеллектуал мулки ҳисобланади ва шундай бўлиб қолади.

7.4. Шартноманинг 7-бўлими ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугаган (ҳар қандай сабабга кўра бекор қилинган) пайтдан бошлаб 5 (беш) йил давомида Шартноманинг бекор қилиниши ёки амал қилиш муддати тугашидан қатъий назар тўлиқ кучда қолади.

8. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Мазкур Шартнома Шартномада назарда тутилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ва асосларга кўра бекор қилиниши мумкин,

8.2. Ушбу Шартнома Хизмат кўрсатувчининг ташаббуси билан қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин: Шартноманинг 5.2. бандида белгиланган ҳолларда.

8.3. Шартноманинг 8.2-бандида кўрсатилган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачини Шартномани бекор қилиш тўғрисида камида 30 (ўттиз) календар кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.4. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда ушбу Шартномани ҳар қандай вақтда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

а) Хизмат кўрсатувчи баъзи зарур рухсатномалар ёки лицензияларга ега бўлмаса ёки рухсатномаларга ега бўлмаса;

б) Хизмат кўрсатувчи учинчи шахсларга Курьер Иловасидаги ҳисобларига кириш ҳуқуқини берган бўлса;

с) Хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлигини бузган бўлса, масалан, Озиқ-овқат маҳсулотларини ҳавфсизлиги бўйича қўллангани амал қилмаган бўлса ёки ёшни текшириб олиш қоидаларини бузса;

д) Махфийлик билан боғлиқ мажбуриятларни бузса, айниқса, шахсий маълумотларни Буюртмачининг олдиндан розилигисиз учинчи шахсларга ошкор қилса ёки шахсий маълумотларни Шартнома доирасида хизматлар кўрсатишдан бошқа мақсадларда ишлатса;

е) Хизмат кўрсатувчи нақд пул билан тўланадиган буюртмалар билан боғлиқ мажбуриятларни бузса, масалан, Woltнинг нақд пулини депозит қилмаса.

ф) Хизмат кўрсатувчи етказиб бериш хизматлари қоидаларини такроран бузса, айниқса, агар қуйидаги ҳолатлар юз берса: - Буюртма қилинган товарларни фойдаланувчи кўрсатган ёки Wolt ёрдам маркази билан келишилган жойдан фарқли жойда назоратиз қолдирса; - Етказиб бериш хизматлари давомида буюртма қилинган товарларни қайта шикастласа; - Буюртма қилинган товарларни олиш ёки фойдаланувчига етказиб беришда кечикишлар юз берса; - етказиб бериш хизматлари давомида буюртма қилинган товарларнинг ўғирланганлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлса.

г) Хизмат кўрсатувчи Платформа фойдаланувчиларининг ҳавфсизлигига таҳдид қилса ва/ёки уларнинг ҳуқуқларини бузса.

ҳ) Хизмат кўрсатувчи 60 кун давомида ҳеч қандай етказиб бериш хизматларини кўрсатмаса.

и) Хизмат кўрсатувчи Платформа фойдаланувчиларини ёки Wolt ёрдам марказини етказиб бериш хизматлари самарадорлиги ҳақида, масалан, етказиб бериш хизматлари ҳолати ёки етказиб бериш учун фойдаланилаётган транспорт воситаси ҳақида алдамчи маълумотлар билан чалғитса.

л) Хизмат кўрсатувчи жиддий ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан, жиноят ёки фирибгарлик ҳаракатларини (йўл қоидаларини бузишдан ташқари) амалга оширса.

м) Мазкур шартноманинг бошқа қоидаларини бузган тақдирда

8.4. Хизмат кўрсатувчи томонидан сифатсиз Хизматлар кўрсатилган ёки Шартноманинг бошқа қоидалари бузилган тақдирда, Буюртмачи ҳар қандай вақтда ушбу Шартномани, Хизмат кўрсатувчига 10 (ўн) календар кун олдин тегишли хабарнома юбориш орқали бекор қилиши мумкин. Бу ҳолда Буюртмачи Шартномани бекор қилиш пайтгача Хизмат кўрсатувчи томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар нархини етказилган зарар миқдори ва жарималарни ушлаб қолган ҳолда Хизмат кўрсатувчига тўлайди.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Томонлар, Ушбу Шартнома ҳеч қандай ҳолатда Буюртмачи ва Хизмат кўрсатувчи ўртасида меҳнат муносабатларини юзага келтириши учун асос бўла олмаслигини тўғридан-тўғри тан олишади. Шунга кўра, ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинмайди. Хизмат кўрсатувчи ўз манфаатлари учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида мустақил равишда ҳаракат қилади.

9.2. Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва ушбу Шартноманинг 2.2- бандида кўрсатилган муддат давомида амал қилади. Агар Томонлардан ҳеч бири бошқа Томонни ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашига камида 30 (ўттиз) кун қолганида ушбу Шартномани бекор қилиш нияти тўғрисида хабардор қилмаган бўлса, ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати автоматик равишда 1 (бир) календар йилига узайтирилади. Узайтиришлар сони чекланмаган.

9.3. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар, улар ёзма равишда тузилган ва Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда, ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. Ҳар бир Томон бошқа Томонни ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва лозим даражада бажаришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўзига маълум бўлган ҳар қандай ҳодиса ва/ёки ҳолатлар тўғрисида дарҳол хабардор қилиши шарт.

9.5. Агар ушбу Шартноманинг бирор банди бекор қилинса, ноқонуний бўлса ёки бошқача тарзда бажарилмаса, қолган бандлар тўлиқ кучга ега бўлади ва амал қилади.

9.6. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалаларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

9.7. Ушбу Шартнома мазмунан бир хил бўлган икки нусхада (ҳар бир Томон учун биттадан) ўзбек тилида тузилган.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ БУЮРТМАЧИ “BARAKA DROP” МЧЖ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе, 49-уй, 4 хонадон.

х/р 20208000207111198001
АТ "НАМКORBANK" АТ Чўпон ота Универсал
Банк хизматлари офиси.

ФИШ _____

Манзил: _____

Паспорт/ID карта _____

МФО 00083, СТИР 311 472 927,
ОКЭД 53 200

Директор

_____ Ортиков З.О.

«__» _____ 20__ йилда томонидан
берилган

ЖШШИР _____

П/к _____

Транзит ҳ/р: _____

Банк _____

Банк коди: _____

Тел: _____

Имзо: _____